



SOME CONSIDERATIONS ON THE CIRCUMSTANCES THAT EXCLUDE ADMINISTRATIVE OFFENSES OF THE ACT

Oxunov Zafar Mamurjon o'g'li

Teacher of the Department of Administrative Law of the Academy of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11085127>

ARTICLE INFO

Received: 22th April 2024

Accepted: 28th April 2024

Online: 29th April 2024

KEYWORDS

Administrative liability, legislation on administrative liability, exemption from administrative liability, circumstances that exclude administrative infringement of an act, an act.

ABSTRACT

This article reflects on the exemption from administrative liability and the expression of circumstances that exclude administrative offenses of the act in the current legislation, the need to distinguish them.

ҚИЛМИШНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Охунов Зафар Мамуржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11085127>

ARTICLE INFO

Received: 22th April 2024

Accepted: 28th April 2024

Online: 29th April 2024

KEYWORDS

Маъмурий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш, қилмиш, қилмишнинг маъмурий ҳуқуқбузарлигини истисно қилувчи ҳолатлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ва қилмишнинг маъмурий ҳуқуқбузарлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг амалдаги қонунчиликда ифодаланиши, уларни фарқлашнинг зарурати тўғрисида фикр юритилган.

Шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган. Бу борада эса амалга ошириладиган ислохотлар ҳамиша замон билан ҳамнафас ҳамда фуқароларнинг манфаатларига асосланган бўлмоғи лозим. Зеро суд-ҳуқуқ ислохотлари янги конституциявий маконга



уйғунлаштирилади. Бу жараёнда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади [1].

Инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилиши, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг вазифаси, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги эса асосий принципларидан ҳисобланади [2]. Бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор деб топилган ҳар қандай шахс жавобгарликка тортилиши лозимлиги назарда тутилган.

Шунга қарамай, амалдаги қонунчилик муайян шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳам, тегишли асослар бўлган тақдирда, уни жавобгарликдан озод қилиш мумкинлигини истисно этмайди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ содир этилган қилмишда маъмурий ҳуқуқбузарликнинг аломатлари мавжуд бўлсада, шахс маъмурий жавобгарликдан озод этилиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмаслиги, бошланган иш эса тугатилиши лозимлиги тўғрисида қоидалар мавжуд. Бу қоидалар МЖТКнинг 21, 21² ва 271-моддаларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига эса қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар (ЖК IX боб) ҳамда шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш (ЖК XII боб) тўғрисида қоидалар алоҳида бобда назарда тутилган [3]. Бироқ МЖТКда ушбу икки тоифадаги қоидалар ажратилмаган, бир-бирига қўшиб юборилган.

Рус олими С.Е.Чанновнинг фикрича бунда икки ҳолатни ажратиш лозим.

Биринчи ҳолат: содир этилган қилмиш, унинг барча белгилари ва элементлари мавжудлигига қарамай, умуман маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топилмайди;

Иккинчи ҳолат: содир этилган қилмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топилади, лекин ҳуқуқбузар маъмурий жавобгарликдан озод қилинади [4].

Ушбу олимнинг фикрига қўшилган ҳолда, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги миллий қонунчиликни таҳлил қилиб кўриш мақсадга мувофиқ, деб топдик.

МЖТКнинг фақатгина зарурий мудофаа (18-м.) ва охириги зарурат (19-м.) ҳақидаги моддаларидагина содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмаслиги тўғрисида қоида мавжуд (*биринчи ҳолат*). Бизнинг фикримизча ушбу қоидаларни қилмишнинг маъмурий ҳуқуқбузарлигини истисно қилувчи ҳолатлар сифатида эътироф этилса хато бўлмайди. Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш (21-м.) ва ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш (21²-м.) тўғрисидаги моддаларда шахслар маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган (*иккинчи ҳолат*). Ақли норасолик (20-м.) ва жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш (21¹-м.) тўғрисидаги моддаларда эса шахс маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги назарда тутилган бўлсада, у содир этган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланиш



ёки ҳисобланмаслигига аниқлик киритилмаган. Бу эса ушбу икки моддадаги қоидалар биз таҳлил қилаётган ҳолатларнинг иккисига ҳам мос келмаслигини англатади.

МЖТКнинг 271-моддаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар, деб номланиб, унга кўра қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;
- ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;
- шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида қилган бўлса;
- шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилган бўлса;
- амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса;
- маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;
- маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;
- шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса;
- ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш ушбу Кодекснинг тегишли моддасида назарда тутилган бўлса;
- ҳуқуқбузар тегишли ҳуқуқбузарликлар бўйича жабрланувчи билан ярашган бўлса;
- агар МЖТКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар йўл қўйилган бузилишларни ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса.

Ушбу моддада ҳам содир этилган қилмишнинг маъмурий ҳуқуқбузарлигини истисно қилувчи ҳолатлар аниқ кўрсатилмаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка “қилмишнинг маъмурий ҳуқуқбузарлигини истисно қилувчи ҳолатлар” тўғрисида аниқ қоидаларни киритиш, қайси қилмишлар, барча белгилари ва элементлари мавжудлигига қарамай маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топилмаслиги ва маъмурий жавобгарликдан озод қилишнинг турларини ўзаро ажратиш мақсадга мувофиқ. Бу эса қонунчиликни қўллашда мавжуд айрим муаммоларни бартараф этишига ишонамиз. Зеро, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш асосларини маъмурий жараён иштирокчилари томонидан тўғри тушунилиши, уларнинг ўз ҳуқуқ тўлиқ амалга оширишлари учун ёрдам беради [4].



References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Конституция кунини муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги. Электрон манба: <https://president.uz/uz/lists/view/6917>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/97664>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/111453>
4. Чаннов С. Е. Основания для освобождения от административной ответственности //Гражданин и право. – 2011. – №. 4. – С. 3.